

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСКАНДАРОВ АБДУРАСУЛ МИРЖАЛИЛ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХАВФ-ХАТАРЛАРИНИ  
СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation the abstract of doctor of Philosophy (PhD) on  
economical sciences**

**Искандаров Абдурасул Миржалил ўғли**

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталаш  
механизмларини такомиллаштириш истиқболлари.....3

**Искандаров Абдурасул Миржалил ўғли**

Перспективы совершенствования механизмов страхования  
сельскохозяйственных рисков в Узбекистане.....27

**Iskandarov Abdurasul Mirjalil ugli**

Prospects for improving agricultural risk insurance mechanisms in  
Uzbekistan.....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИСКАНДАРОВ АБДУРАСУЛ МИРЖАЛИЛ ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХАВФ-ХАТАРЛАРИНИ  
СУҒУРТАЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2022 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/Iqt1304 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Абдурахмонов Илёс Хуршидович  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:** Кўзиева Наргиза Рамазановна  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор  
Нуруллаев Абдулазиз Сирожиддинович  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт  
университети Тошкент шаҳри филиали

Диссертация химояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «22» 04 соат 16.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (271 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси 60а уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-67-71, e-mail: admin@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «8» 04 кун тарқатилди.  
(2022 йил «8» 04 даги 22 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Тешабаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Ф.К.Холмаматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**И.Н.Кўзиев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги.** Жаҳон қишлоқ хўжалиги суғурта бозорида 2020 йилда экспертларнинг фикрига кўра 33 миллиард АҚШ.доллари суғурта мукофотлари йиғишга эришилган. Шубҳасиз қишлоқ хўжалиги суғуртаси охириги беш йил ичида жаҳон миқёсида деярли 50 фоизга ўсиб умумий нисбатдан ошиб бораётган суғурта бозори ҳисобланади.<sup>1</sup> Бунинг асосий сабаб ва омиллари кўйидагилар: глобал қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ошиши; қишлоқ хўжалигининг экстремал об-ҳаво шароитларига чидамлиги ошириш зарурати (бу глобал иқлим исиши натижасида ноқўлай об-ҳаволарнинг юз бериш частотаси ошаганлиги); қишлоқ хўжалиги суғурталаш дастурларининг кўпайиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши (Хитой, Ҳиндистон ва Африка мамлакатлари). Юқоридаги омиллар ва сабабларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигини суғурталаш нафақат бир мамлакат балки бутун инсониятнинг олдида турган долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон озиқ овқат ташкилотининг (Food and Agriculture Organization, FAO) бутун дунё бўйлаб қишлоқ хўжалигига зарар етказадиган табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш тенденцияларининг кўпайганлиги ва уларга қарши тўриш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича илмий тадқиқотлар натижалари эълон қилиб келинмоқда.<sup>2</sup> Бунда иқлимнинг ўзгариши натижасида янги минг йилликнинг бошидан бошлаб уларнинг частотаси ва кўлами сезиларли даражада ошганлиги, агар ўтган асрнинг 70-80 йилларида сайёрамизда йилига ўртача 90-100 та хавфли ҳодиса қайд этилган бўлса, XXI-асрнинг бошидан бошлаб уларнинг сони ўртача 360-400 тани ташкил қилиб ноқўлай об-ҳаво сони 4 баробарга, тошқинлар сони 6 баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Жаҳон банки (The World Bank) ва Халқаро молиявий корпорация (International Finance Corporation, IFC) томонидан қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни такомиллаштириш ва суғурталашнинг янги инновацион суғурта турларини (index insurance) жорий этиш бўйича доимий тадқиқотлар ўтказиб келади.<sup>3</sup> Бироқ, қишлоқ хўжалиги суғуртаси турларини жорий этишининг ягона яхлит модели йўқлиги бу борадаги тадқиқотлар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида суғурта муҳим рол ўйнайди, унинг ёрдами билан иқтисодиётни барқарорлаштириш, табиий ёки техноген фавқулодда вазиятлар натижасида юзага келадиган йўқотишларни қоплаш мумкин бўлади. Бу айниқса қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида суғурта хавф-хатарлари муаммоси агросаноат мажмуасидаги энг оғриқли муаммолардан бири саналади. Бундан ташқари бундай муаммоларнинг мавжудлиги қишлоқ хўжалигини барқарор ва самарали замонавий иқтисодий

<sup>1</sup> <https://www.agroinsurance.com> маълумотлари.

<sup>2</sup> <http://www.fao.org/worldfoodsituation/foodpricesindex/en>. маълумотлари.

<sup>3</sup> [https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/Topics\\_Ext\\_Content](https://www.ifc.org/wps/wcm/connect/Topics_Ext_Content). маълумотлари.

тизим сифатида ривожлантириш зарурлиғни белгилаб беради. Қишлоқ хўжалиғи хавф-хатарларини суғурталаш борасида мавжуд муаммолар соҳадаги камчиликлар мавжудлиғидан далолат беради, бу муаммоларни давлат иштирокида ечимини излаш долзарбдир. Айниқса қишлоқ хўжалиғи хавф-хатарлари суғурталаш борасидаги фаолиятни ривожлантириш ўз навбатида бу суғурта турининг қамровлиғини ва оммабоплиғини ошириш муҳим аҳамият касб этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиғини ривожлантиришнинг 2020 – 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон «Қишлоқ хўжалиғида бозор механизмларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 30 сентябрдаги 830-сонли «Аҳоли хонадонларида ва чорвачилик йўналишида фаолият кўрсатадиган хўжалик юритувчи субъектларда парвариш қилинаётган чорва ҳайвонларини суғурта қилиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида», шунингдек махкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиғи.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Демократия ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиғи хавф-хатарларини назарий ва иқтисодий асослари, уларнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни бўйича қатор иқтисодчи олимлар томонидан, хусусан, иқтисодчи олимлардан George W. Norton, William A. Masters, William J A Dick, Weijing Wang тадқиқотларида кенг ўрин олган. Уларни суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари Ю.Ю.Гришина, Л.Ю.Питерская, В. А. Малий, Р.Л.Мадаева, К.Е.Трубина, Т.А.Федорова, В.В.Шахов, А.С.Миллерман, В.Г.Медведевлар томонидан суғурталаш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий ишлар олиб борилган ва тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Шу ўринда ўзбек олимлари

---

<sup>4</sup> George W. Norton Jeffrey Alwang, and William A. Masters «The economics of agricultural development, world food systems and resource use». New York and London: Routledge Taylor & Francis Group, 2006. P. 448. William J A Dick, Weijing Wang. Government Interventions in Agricultural Insurance. Agriculture and Agricultural Science Procedia 1 (2010) 4–12р. Ю.Ю.Гришина. Управление рисками на уровне сельскохозяйственных предприятий. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. ВОРОНЕЖ - 2006 г. 24 стр. Л.Ю.Питерская Аграрное страхование и его развитие в современных условиях. Научный журнал КубГАУ, №133(09), 2017 г. 1-15стр., В. А. Малий Анализ системы страхования сельскохозяйственных рисков с государственным участием и предложения по ее совершенствованию. Научный журнал «Известия КГТУ», №50, 2018 г. 183-196 стр., Р.Л.Мадаева Направления развития сельскохозяйственного страхования. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Иркутск-2008 г. 23 стр.

Ҳ.Р.Собиров, М.Шеннаев, Т.М.Баймуратов, А.А.Нуруллаев, Қ.М.Қўлдошев, И.Х.Абдурахмонов ва бошқалар томонидан суғурталаш амалиётларини такомиллаштиришнинг айрим масалалари таҳлил этилган<sup>5</sup>.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасини «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қишлоқ хўжалиги суғуртасини истиқболда ривожлантириш ва такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигида рискларнинг мазмун-моҳияти, уларнинг классификацияси ва суғурта соҳасида тутган ўрнини аниқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг рискларини аниқлаштириш ва умумлаштириш орқали уларни гуруҳларга ажратиш;

қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожлантиришда давлатнинг ролини аниқлаштириш;

миллий суғурта бозорида қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталаш ҳолатини танқидий таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича ривожланган мамлакатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва уларни жорий этиш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллар, муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимига дахлдор тавсияларни шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашнинг янги турларини жорий этиш, ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш юзасида илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашда давлат ва суғурта компанияларининг фаолияти олинган.

---

Л.А.Зирченко Совершенствование системы управления рисками в процессе развития предпринимательских структур. Автореферат на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Санкт-Петербург 2019г. 24 стр., К.Е. Турбина Теория и практика страхования: учеб. пособие – М.: Анкил, 2003. – 703 с. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: РСК, 2008. – С.699., Шахов В.В., Миллерман А.С., Медведев В.Г. Теория и управление рисками в страховании. – М.: Финансы и статистика, 2008. – С. 224.

<sup>5</sup> Собиров, Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. -Т.: «Меҳнат», 1998. - 160 б; Шеннаев Х.М. Проблемы становления страхового рынка в Узбекистане: Автореферат диссертации на соискание ученой степени к. э. н. М.: 1996. Баймуратов Т.М. Ўзбекистонда суғурта фаолияти ва уни солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.:2004. Нуруллаев А.С. Ўзбекистон Республикасида фермер ва деҳқон хўжаликларини суғурталаш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим қилинган диссертация автореферати.– Т.: БМА, 2007.-23. б.; Қўлдошев К.М. Суғурта бозорини ривожлантириш ва бошқариш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. -Т.:БМА, 2009. -23 б; Абдурахмонов И.Х. Теория и практика страхования: Учебник, - Т.: «Иқтисод-молия», 2019. -696 стр.

**Тадқиқотнинг предмети** суғурта компанияларининг қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда гуруҳлаштириш, мантиқий фикрлаш, таққослаш ва омилли таҳлил, SWOT таҳлил, эксперт баҳолаш, ахборотни қайта ишлаш, прогнозлаштириш ва актуар ҳисоб-китоблар усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва корхоналари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда суғуртага қабул қилинадиган хавф-хатарларнинг оптимал тўплами таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари (кластер) фаолиятининг мол-мулк, жавобгарлик, тадбиркорлик, бозор ва умумий корпоратив хавф-хатарларини комплекс суғурталаш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалигида хавф-хатарлар суғурталашда миллий суғурта бозори учун янги бўлган «индекс суғуртаси» бўйича суғурталаш параметрларидан (ҳудуднинг иқлим индекси кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик индекси кўрсаткичлари, ҳудуднинг даромад индекси (ҳосилдорлик билан маҳсулот нархларининг қўшиб ҳисобланиши)) фойдаланиш таклиф этилган;

қишлоқ хўжалиги суғурта маҳсулотларини амалга оширишда суғурталанувчиларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тарифлар ва суғурта мукофотларидан имтиёзлар (сийловлар) бериш тизими ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалигини суғурталаш турлари кенгайтирилган, қишлоқ хўжалигидаги хусусиятларидан келиб чиқиб суғурталаш қоидалари такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича суғурта рисклари тизимлаштирилган ва суғурталашнинг оптимал хавф-хатарлар тўплами ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашда «индекс суғурта»си бўйича суғурталаш параметрларини (ҳудуднинг иқлим индекси кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик индекси кўрсаткичлари, ҳудуднинг даромад индекси (ҳосилдорлик билан маҳсулот нархларининг қўшиб ҳисобланиши)) ҳисобга олган ҳолда ягона база шакллантирилган;

суғурталанувчиларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тарифлар тизими ва улар бўйича имтиёзлар (сийловлар) бериш механизми жорий этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муайян норматив ҳужжатлар, тегишли идора ва ташкилотларнинг ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги, Ўзбекистон



Республикаси Давлат статистика кўмитаси ва «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясининг маълумотларига таянилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни ривожлантиришга бағишланган махсус, мустақил илмий тадқиқотлар олиб боришда кенг кўламда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ислоҳ этишга бағишланган қонунлар, қонуности ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

хавф-хатарларини суғурталашда қишлоқ хўжалиги тармоқлари йўналишлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятдан келиб чиққан ҳолда рискларни алоҳида гуруҳлаштириш бўйича таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон қарори ижросини таъминлашда фойдаланилган («Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 24 июлдаги 01-04-10/1778-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф асосида компаниянинг қишлоқ хўжалигини суғурталаш турлари сони кенгайтирилган, қишлоқ хўжалигидаги хусусиятларидан келиб чиқиб суғурталаш қодалари такомиллаштирилган. Жумладан, мавжуд 39 та қишлоқ хўжалиги бўйича суғурта турлари 42 тага етказилган;

қишлоқ хўжалиги корхоналари (кластер) фаолиятининг мол-мулк, жавобгарлик, тадбиркорлик, бозор ва умумий корпоратив рискларини комплекс суғурталаш бўйича таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 июндаги 505-сон, 2019 йил 30 августдаги 831-сон қарорлари ижро этишда тадбиқ этилган («Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 24 июлдаги 01-04-10/1778-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида қишлоқ хўжалиги корхоналарини суғурталаш бўйича суғурта рисклари тизимлаштирилган, 2019 йилга нисбатан 2020 йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарига суғурта хизматларини тақдим этиш орқали суғурта мукофотларининг 35 фоизга ўсиши таъминланган;

қишлоқ хўжалигида рискларни суғурталашда миллий суғурта бозори учун янги бўлган «индекс суғуртаси»ни жорий этиш бўйича таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон Қарори амалиётга тадбиқ этиш жараёнида фойдаланилган («Ўзагросуғурта» АЖ

суғурта компаниясининг 2021 йил 24 июлдаги 01-04-10/1778-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф асосида қишлоқ хўжалиги рискларини суғурталашда «индекс суғурта»си бўйича суғурталаш параметрларини (ҳудуднинг иқлим индекси кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлик индекси кўрсаткичлари, ҳудуднинг даромад индекси (ҳосилдорлик билан маҳсулот нархларининг қўшиб ҳисобланиши)) ҳисобга олган ҳолда ягона база шакллантирилган;

Қишлоқ хўжалиги суғурта маҳсулотларини амалга оширишда суғурта тарифлари бўйича имтиёзлар (сийловлар) бериш бўйича таклифи «Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компанияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 августдаги 830-сон ва 831-сон қарорлари ижро этишда тадбиқ этилган («Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясининг 2021 йил 24 июлдаги 01-04-10/1778-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши натижасида суғурта компанияси ташаббуси билан манфаатдор вазирликлар ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги рискларини суғурталаш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилган. Натижада, бир қатор қишлоқ хўжалиги суғуртаси тулари бўйича суғурта тарифларидан сийловлар берилган. Суғурталанувчиларнинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда табақалаштирилган тарифлар тизими жорий этилган. Бунинг натижасида суғуртанинг қамровлилик даражаси 30 фоизга ошган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 14 та, шу жумладан, 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий ишланмалар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловаларини ўз ичига олган ҳолда 120 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашнинг назарий-услубий асослари ва ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини таснифлашнинг назарий асослари, қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини бошқаришда суғуртанинг роли, иқтисодий моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари борасидаги илмий-назарий қарашлар қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган ҳамда қишлоқ хўжалигида хавф-хатарларни суғурталашнинг инновацион суғурта турларини миллий суғурта бозорига жорий қилишнинг йўллари, мавжуд муаммолар ечимларига бағишланган масалалар ёритилган.

Ҳар қандай корхонанинг иш фаолияти объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлган ҳолда доимо юқори хавфлар билан бирга кечади. Корхона ходимлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар сиёсий беқарорлик ва ноаниқ бозор шароитлари асосида амалга оширилади.


Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги институционал ўзгаришлар ва бу соҳанинг замон билан ҳамнафаслигини таъминлаш, асосий қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилари томонидан етиштириладиган маҳсулотларнинг жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоратadbирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.<sup>6</sup> Шунингдек, қишлоқ хўжалигига хос бўлган хавф-хатарларни тўғри бошқаришда уларни таснифлаш услубиётини доимий равишда такомиллаштириб бориш лозим.

Хавфларни таснифлаш – маълум мезонлардан фойдаланган ҳолда хавфларни тоифаларга бўлишдир. Мезонларни танлаш хавфларни таҳлил қилиш, уларни бошқариш тартибининг мақсадлари ва хусусиятларига боғлиқдир. Хавфларни таснифлашнинг мумкин бўлган мезонлари сони кўп бўлиши мумкин, шунинг учун уларни таснифлаш мезонларини гуруҳлаштириш керак бўлади. Бунда таснифлашнинг асосий мақсади аниқ хавфларни тақсимлашдир ва юзага келиш частотаси, салбий оқибатлар (зарар) ҳажми билан ўлчанадиган ҳар бир ўзига хос хавф ўзининг стандарт хусусиятлари билан тавсифланади: хавф билан боғлиқ сабаблар, хавфга дучор бўлиш, заифлик (хавфга сезгирлик), шунингдек бошқа кўшимча хусусиятлар (параметрлар), масалан, бошқа хавфлар билан ўзаро таъсир қилиш, хавфларнинг бир хиллик даражаси, башорат қилиш даражаси ва бошқаларни аниқлаштиришдан иборатдир.

<sup>6</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017-йил шиддатли ислохотлар йили. -Т.: «Ўзбекистон», 2018, - 70 б.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси энг хавфли соҳалардан бири ҳисобланади, шу сабабли қишлоқ хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолияти доимо хавф остидадир. Одатда, қишлоқ тадбиркорлари хавфли вазиятларда қарор қабул қилишдан ўзларини олиб қочадилар, юқори даромад олиш мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно. Ҳаммага маълумки, юқори даромад тўғридан-тўғри юқори хавф даражаси билан боғлиқдир. Шу сабабли, хавфли, аммо юқори фойда келтирадиган вазиятларни бошқаришга талаб ошиб боради.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хавфларини гуруҳларга ажратиш тамойилига асосланган таснифлашни ҳавола этамиз (1-расм).




**1-расм. Қишлоқ хўжалиги корхоналари хавфларининг таснифланиши<sup>7</sup>**

Иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўплаб мамлакатларда қишлоқ хўжалиги борасидаги сиёсати суғуртани жорий этишни жадаллаштириш ва унинг истеъмол имкониятларини таъминлашга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги

<sup>7</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

суғурта бозорини ривожлантириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш мақсадида кўплаб янги суғурта хизматлари жорий этилмоқда.



## 2-расм. Қишлоқ хўжалигини суғурталашнинг комплекс турлари<sup>8</sup>

Бундай комплекс суғурта турлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг мулкый манфаатларини тўлиқроқ ҳимоя қилиш имконини беради. Қишлоқ хўжалиги суғуртасининг комплекс турларини ажратиш амалдаги қонунчиликка зид эмас, сабаби бу ҳаёт ва умумий суғурта билан шуғулланувчи суғурта ташкилотларининг фаолияти таъсир қилмайди

Шунга кўра, бизнинг фикримизча, қишлоқ хўжалиги суғуртаси комплекс суғурта турларини ташкил қилади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги суғуртасига кўйидагича тариф бериш мумкин. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси – бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг мулкый манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишни таъминловчи суғурта турлари мажмуидир.

<sup>8</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланди.

Қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашда чет элда хавфларни камайтириш учун фаол ишлатиладиган, шунингдек миллий суғурта бозоримизда жорий қилинмаган суғурта маҳсулотларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган суғурта турларидан бири бу микросуғурталаш суғурта турларидир.

Миркосуғурта – бу кам даромадли шахслар ёки гуруҳларни молиявий ҳимоялашни таъминлашга қаратилган микромолиявий суғурта фаолиятининг тури ҳисобланади.

Суғурта назорати халқаро ассоциацияси (International Association of Insurance Supervisors IAIS)<sup>9</sup> ҳисоботига кўра микросуғурталаш кўйидагиларни назарда тутади:

кам даромадга эга бўлган ўй хўжаликларига суғурта ҳимоясини таклиф этиш;

кичик суғурта суммалари билан суғурта қилиш ва шунга мос равишда кичик тўловларни амалга ошириш;

кичик суғурта мукофотлари билан суғурта қилиш.

Мутахассислар Ўзбекистон суғурта бозорида инновацион фаолиятнинг узок муддатли тенденцияларини қайд этишмоқда, жумладан:

суғурталанувчилар тўғрисидаги очиқ маълумотларнинг кўпайиши, суғурта маҳсулоти истеъмолчилари ҳақидаги янги маълумотлар олиш манбаларининг кенгайиши;

бизнес жараёнларда ва мижозлар билан мулоқатда ахборот технологиялари ва мобил қурилмалардан (иловалардан) фойдаланишнинг кенгайиши;

мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги инновациялар;

суғурталанувчилар сўровларига (талабларига) «жавоб бериш» вақтининг қисқариши, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатининг ошиши билан изоҳланади.

Микросуғурта механизмларини қишлоқ хўжалиги соҳасига жорий этишнинг долзарблиги қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади.

Амалга оширилаётган анъанавий индивидуал суғурталашни такомиллаштириш билан бир қаторда, ҳозирги вақтда коллектив асосда тақдим этиладиган индексли ёки параметрик ҳар хил турлари фаол равишда жорий этилмоқда.

Ҳозирки кунда кўплаб мамлакатларда Халқаро банк ҳамкорлигида (Испания, Австралия, Руминия, Латвия, Украина, Қозоғистон, Марокаш, Тунис, Мексика, Аргентина, Ҳиндистон ва ҳ.з) турли хил индекслар асосида суғурталаш кенг тарқалган ёки тажриба асосида қўлланилиб келинмоқда.

Индексли суғурта – бу суғурта қопламасини маълум бир индекснинг келишилган чегарасидан ошганда амалга оширилишидир. Бундай индекс,

---

<sup>9</sup> <https://www.iaisweb.org/page/supervisory-material/archive-supervisorarchive-supervisory-material-superseded-by-icps-standards-guidance-adopted-in-2014>

масалан, маълум бир давр учун ёғингарчилик миқдори ёки ҳарорат чегараси бўлиши мумкин.

Албатта иқтисодий жиҳатдан индексли суғурта бошқа ҳамма нарсалар тенг бўлганда анъанавий суғуртага нисбатан анча самарали ҳисобланади.

Мисол тариқасида бўлажак ҳосилни суғурталаш бўйича анъанавий ва индексли суғурталашнинг қиёсий таҳлилини келтириб ўтсак (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Анъанавий ва индексли суғурта дастурларининг солиштирма таҳлили<sup>10</sup>


Кўрсаткич	Анъанавий суғурта	Индексли суғурта
Суғурта қопламасини ҳисоблаш асос	Аниқ хўжалик бўйича ҳосилдорлик	Ҳосилдорлик индекси маъмурий ҳудудий бирлик (туман) бўйича
Суғурталанадиган хавф-хатарлар	Ҳар қандай баҳор-ёз об-ҳавоси хавфи (мультисуғурта/келажак ҳосилини комплекс суғурталаш)	Ҳар қандай баҳор-ёз об-ҳавоси хавфи (мультисуғурта/келажак ҳосилини комплекс суғурталаш)
Афзалликлари	– Аниқ хўжаликнинг (муайян экиннинг) даромадлиги ва ҳосилдорлиги билан боғлиқлиги; – банк гарови суғуртаси сифатида кўпроқ мос келади; – «локал» ҳодисалардан йўқотишларни ҳисобга олади.	– Арзонлиги (яхлит суғуртага нисбатан суғурта тарифлари анча паст); – Экинларнинг бир қисмини дала майдонини белгиламасдан суғурта қилиш имконияти; – Шартномаларни осон расмийлаштириш ва зарарларни аниқлашнинг содда тартиби.
Камчиликлари	– Юқори суғурта мукофоти; – зарарларни ҳисоблашнинг мураккаб тартиби; – муайян экин майдонларини суғурта қилинмаслиги; – ҳосилдорликни ҳисоблашдаги қийинчиликлар.	– «локал» рискларни камраб олмайди; – тўловлар 6-8 ойдан кейин амалга оширилади, бунда статистик маълумотлар умумлаштирилади (аммо аванс тўловлари мавжуд); – ҳосилдорлик бўйича яхши тўпланган статистикага эга экин турлари бўйича самарали ишлатилиши.

Диссертациянинг иккинчи боби «Ўзбекистон ва хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашнинг ҳолати ва таҳлили» деб номланган бўлиб бу бобда миллий суғурта хизматлар бозорида қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталаш кўрсаткичлари таҳлили, хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни амалга оширилиши тажрибалари таҳлил этилган.

Ўзбекистон Молия вазирлигининг таҳлилий маълумотларига кўра 2020 йилда пандемия шароитида мамлакат суғурта компаниялари томонидан йиғилган суғурта мукофотларининг умумий ҳажми ўтган йилга нисбатан


<sup>10</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

камайиш суръатларини намоён этди ва 2,2 трлн.сўмни ташкил қилди, бу ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 5,0 фоизга камдир (3-расм).



**3-расм. Суғурта мукофотларнинг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси<sup>11</sup> (млрд.сўмда)**

2020 йилда суғурта қопламаларида ҳам суғурта мукофотлари сингари пасайиш кўзатишган. Кўрилаётган даврда компаниялар томонидан тўловлар ўтган йилга нисбатан 10,0 фоизга камайган ва 735,1 млрд.сўмни ташкил этган. Бундай кескин ўзгариш суғурта қопламаларининг 2020 йилда ҳаётни суғурта қилиш шартномалари бўйича тўловларнинг ошиши билан изоҳлаш мумкин (4-расм).




**4-расм. Суғурта қопламаларининг суғурта турлари бўйича ўзгариш динамикаси<sup>12</sup> (млрд.сўм)**

Миллий суғурта бозорида қишлоқ хўжалиги бўйича кўрсаткичларни таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги ҳолатни кўзатишимиз мумкин (5-расм).

<sup>11</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>12</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.





**5-расм. Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича кўрсаткичлар динамикаси таҳлили<sup>13</sup> (млрд.сўм)**

5-расм маълумотларидан шуни кўришимиз мумкинки, суғурта мукофотларининг зарарлилик даражаси мавжуд суғурта турлари орасида энг юқори кўрсаткичга эга (2020 йилда 78,7 фоиз). Буни суғурта бозори кўрсаткичлари ҳам тасдиқлаб турибди (6-расм).



**6-расм. Суғурта бозори ва қишлоқ хўжалиги суғуртасининг зарарлилик даражаси динамикаси<sup>14</sup> (фоизда)**

Жаҳон амалиётида суғурта турлари орасида энг катта зарарлилик даражаси бу қишлоқ хўжалиги суғурта соҳаси ҳисобланади. Миллий суғурта бозоримизда ҳам суғурта турлари орасида қишлоқ хўжалиги энг рискли суғурта турларидан бири ҳисобланади буни 6-расм маълумотлари ҳам тасдиқлаб турибди.

2020 йил давомида суғурта бозорида жами таъминланган суғурта мукофотларининг 9,5 фоизи ҳамда тўланган суғурта товонларининг 21,8 фоизи «Ўзагросуғурта» АЖ улушига тўғри келди.

<sup>13</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

<sup>14</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**«Ўзагросуғурта» АЖ суғурта компаниясининг 2016-2020 йилларда  
қишлоқ хўжалигини суғурталаш кўрсаткичлари<sup>15</sup> (млн.сўмда)**

Йил	Суғурта турлари	Суғурта мукофоти	Суғурта шартномаси	Суғурта жавобгарлиги	Суғурта қопламаси	
					сони	сумма
2016 й	Жами	142658,5	3525059	41693197,7	14761	29806,1
	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	41468,5	51362	1052465,1	2702	15295,0
2017 й	Жами	134146,3	3337629	45091462,4	19918	93703,4
	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	27247,4	45161	685086,2	6207	73565,0
2018 й	Жами	178489,7	3161551	61044432,1	20764	65676,1
	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	39736,2	31281	1020215,1	5788	45399,4
2019 й	Жами	252664,5	2731199	68715635,6	16115	97649,6
	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	91094,5	36842	2228869,9	4764	64736,2
2020 й	Жами	178202,9	1475649	74264719,5	7100	91392,1
	Қишлоқ хўжалиги суғуртаси	56395,2	10863	1416000,1	1736	44409,4

Таъминланган суғурта мукофотларининг 44,0 млрд.сўми аҳоли суғуртаси, 56,3 млрд.сўми қишлоқ хўжалик суғуртаси ва 77,2 млрд.сўми бошқа суғурта турларига тўғри келади.

Жамият томонидан 2020 йил якунларига кўра суғурта турлари бўйича шакллантирилган суғурта захираларининг умумий миқдори 162,6 млрд.сўми ташкил қилди.

Суғурта шартномаларини тузиш жиҳатидан 2020 йил якунлари бўйича Республика суғурта бозорида Жамият илғорликни қўлга киритди ва 1 475,6 минг дона суғурта шартномалари тузилди.

Тузилган шартномаларнинг 1 351,3 мингтаси аҳоли суғуртаси, 11,2 мингтаси қишлоқ хўжалиги суғуртаси ва 113,2 мингтаси бошқа суғурта турларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида Жамият томонидан олинган суғурта мажбуриятлари бўйича жами 97,7 млрд.сўм суғурта товонлари тўлаб берилди, шундан 64,9 млн.сўм (66,4%) қишлоқ хўжалик суғуртасига, 9,3 млн.сўми (9,5%) аҳоли суғуртасига, 23,5 млрд.сўм (24,1%) бошқа суғурта турларига тўғри келди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг хатарларини суғурталашда давлат томонидан қўллаб-қувватланган миллий тизимларнинг мавжудлиги улар зарарларини камайтиришга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Ҳалқаро тажрибада давлат-хусусий шерикчилик (PPP – Public-Private Partnership) асосида қишлоқ хўжалиги хавфларини суғурталашнинг самарали моделлари амалга оширилиб келинмоқда.

<sup>15</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Дунёнинг энг йирик қишлоқ хўжалиги суғурта бозорлари<sup>16</sup>  
(2020 йил)

Мамлакатлар	Суғурталанган экин майдонлари (%)	Суғурта тизими	Субсидия (%)	Суғурта шерикчиликлари (pool)	Давлат қайта суғуртаси
АҚШ	85	кўп даражали (Multi-risk insurance)	70	-	+
Хитой	35	Multi-risk insurance	80	+	Қисман (+/-)
Ҳиндистон	30	Multi-risk insurance	80	-	+
Канада	85	Multi-risk insurance ва дул суғуртаси	55	-	+
Испания	60	Multi-risk insurance	50	+	+
Турция	23	Multi-risk insurance	50	+	+
Франция	55	Multi-risk insurance ва дул суғуртаси	65	-	-
Италия	20	Multi-risk insurance	65	-	-
Германия	60	Дул суғуртаси	0	-	-
Аргентина	58	Multi-risk insurance ва дул суғуртаси	0	-	-
Жанубий Африка	40	Multi-risk insurance ва дул суғуртаси	0	-	-
Россия	2	Multi-risk insurance	50	-	-

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича халқаро амалиётда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва давлат-хусусий шерикчилигининг беш хил моделини ажратиш кўрсатиш мумкин. Булар давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юқори самарадорлик модели (АҚШ); давлат устувор бўлган суғурта моделлари (Канада ва Исроил); суғурта шерикчиликлари орқали қишлоқ хўжалигини суғурталаш модели (Испания ва Туркия); қишлоқ хўжалигини суғурталашда ягона суғурта ташкилоти модели (Австрия, Швейцария); давлат иштироки минимал бўлган моделлар (Германия), ушбу моделларнинг ўзларининг хусусиятларига қараб турли хил бўлади.

АҚШда давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган қишлоқ хўжалигини суғурта қилиш модели халқаро амалиётдаги энг яхши моделлардан бири ҳисобланади. Испания ва Туркияда қишлоқ хўжалигини суғурталаш бўйича суғурта шерикчиликлари (pool) ҳам эътиборга лойиқ. Канада суғурта ташкилотлари ва давлатнинг қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасидаги ўзаро муносабатлари ҳам диққатга сазовор, шунингдек бу яратилган ҳамкорлик модели мана бир неча ўн йиллар давомида ўз самарадорлигини исботлаб келмоқда.

<sup>16</sup> <https://www.mf.uz> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари**» деб номланган бўлиб бу бобда қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни такомиллаштириш истиқболлари, соҳани ривожланишига тўсиқ бўлаётган муаммолар таҳлили ва уларни бартараф этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Соҳа назорат органларининг ҳисоботларига кўра қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталаш суғурта портфелида 2 фоизга ҳам етмайди. Ўзбекистон 2020 йилда 40 суғурта компаниясидан атиги 2 компания қишлоқ хўжалиги суғуртаси билан шуғулланган улардан бири давлат суғурта компанияси иккинчиси илк маротоба қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталаш амалиётини қўллаган.

Қишлоқ хўжалиги суғуртасини ривожланишининг ҳозирги ҳолати ушбу суғурта воситасидан халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган имкониятлар билан агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг тизимли институти сифатида фойдаланиш имконини бермаяпти. Бу жуда кўп муаммолар мажмуасидан иборатдир.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий сабаблар қаторига аксарият олимлар ва амалиётчилар меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланмаганлиги, мавжудларининг эса камчиликлари кўплиги ва эскирганини таъкидламоқдалар.


Суғурта компаниялари раҳбарлари ва топ-менежерлар ўртасида ўтказилган сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг фикрига кўра, қишлоқ хўжалиги хавф-хатарларини суғурталашни тўхтатиб турувчи энг муҳим сабаблар қаторида қишлоқ хўжалиги соҳасида хавф-хатарларнинг юқори даражаси, тажриба ва ушбу соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, мавжуд суғурта турларини андерайтинг қилиш, хавф-хатарларни баҳолаш ва даъволарни кўриб чиқиш бўйича мутахассисларнинг етишмаслигидир.

